

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАДИЯРОВ ИНАМЖАН БАТЫРБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ТЕЗ АЙТИШЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 398.9(575.1):81'44(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Мадияров Инамжан Батырбаевич**

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишлари типологияси ..... 3

**Мадияров Инамжан Батырбаевич**

Типология узбекских и каракалпакских народных скороговорок ..... 25

**Madiyarov Inamjan Batirbaevich**

The typology of Uzbek and Karakalpak tong-twisters ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАДИЯРОВ ИНАМЖАН БАТЫРБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ТЕЗ АЙТИШЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.08 – Фольклоршуновлик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Fil673 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетига бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Мирзаева Салпмахон Райимжановна**  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Алламбергенов Кенесбай Аллаамбергенович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Жураева Мунис Юнусовна**  
филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

Этақчи муассаса:

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиети ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02** рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «6» август куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор. кучаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztai@academy.uz](mailto:uztai@academy.uz)).

Диссертация билан **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин** («29» рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри. Зиелилар кучаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» июль куни тарқатилди.  
(2021 йил «24» июль даги 9-рақамли реестр баённомаси).



**Б. Тўқлиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., проф.

**Л. Худайкулова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н.

**Ш. Турдимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол. ф. д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди асарларини, айниқса, турли халқларда учровчи умумфольклор жанрларини қиёсий ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Негаки, халқ оғзаки ижодининг деярли барча халқларда мавжуд бўлган муайян жанрини бир неча халқлар фольклори мисолида тадқиқ этиш мазкур жанрнинг тарихий илдизлари, ривожланиш босқичлари, ижтимоий ва бадиий-эстетик қонуниятларини ойдинлаштиришга, қолаверса, ушбу халқларнинг бир-бирига таъсири, этногенезиси, миллий менталитети, ўзига хос маданияти, қадимий урф-одатлари ва маросимлари ҳамда фольклоридаги ўхшаш хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади.

Дунё фольклоршунослигида тез айтиш жанри бошқа халқ оғзаки ижоди жанрларига нисбатан у қадар чуқур ўрганилган эмас. Ҳолбуки, болалар фольклори ушбу жанрнинг дунёнинг барча халқлари оғзаки ижодида мавжудлиги унинг халқаро миқёсда типологик нуқтаи назардан ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини англатиб, тез айтишларнинг генезиси, шаклланиш жараёнлари ва тараққиёт босқичлари, вазибалари, таълимий-тарбиявий аҳамияти, бадииятидаги ўзига хос хусусиятларни фольклор тизимида тарихий-тадрижий ва қиёсий-типологик аспектда атрофлича ўрганишни тақозо қилади.

Мустақиллик йилларида миллий номоддий маданий меросимизни, жумладан, халқ оғзаки ижоди асарларини турли халқлар фольклори билан қиёсий ўрганиш фольклоршунослигимизнинг устувор вазибаларидан бирига айланди. Бу борада, хусусан, болалар фольклори жанрларининг тарихий илдизлари, типологияси ва поэтикасини туркий халқлар мисолида қиёсий тадқиқ этиш нафақат фольклоршунослик учун, балки ёш авлодни умумбашарий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик қўшиғидир”<sup>1</sup>. Бинобарин, фольклор асарларининг бугунги маданий, адабий ва тарихий қадриятлар тикланиши жараёнига татбиқ этилиши ёш авлод маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилиши жиҳатидан ҳам улкан маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга. Турли халқлар фольклори ўхшаш хусусиятларини янгича тадқиқот методлари асосида ўрганишга эътибор тобора кучайиб бораётган бир пайтда қадимдан бир заминда яшаб келган ўзбек ва қорақалпоқ халқлари тез айтишларини қиёсий ўрганиш ҳамда типологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ҳар икки халқ фольклоршунослиги учун зарур илмий умумлашма ва хулосалар чиқаришга имкон бериб, фольклор жанрларининг назарий тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши боисидан ҳам долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сузи – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 майдаги 291-сон “Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 11 мартдаги 139-сон “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоъялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё фольклоршунослигида тез айтиш жанри ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотлар у қадар кўп бўлмади, рус фольклоршунослигида Г.С.Виноградов, О.И.Капица, Г.П.Аникин, М.Н.Мельников, Ф.С.Капица, С.М.Лойтер, О.В.Слонларнинг бу борадаги айрим фикрлари мавжуд<sup>2</sup>. Уларнинг ишларида асосан тез айтиш жанрининг сўз ўйинига асосланиши кўрсатиб берилган. В.А.Новожицин ёқут халқ тез айтишларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этган бўлса, И.Л.Муль рус халқ тез айтишларини тил ўйини механизми сифатида ўрганган<sup>3</sup>. В.И.Даль биринчилардан бўлиб рус халқ тез айтишларини тўплаб, нашр этган<sup>4</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида тез айтишлар дастлаб Ҳоди Зариф томонидан тўпланиб, улардан ўн иккитаси “Ўзбек фольклори” китобига

<sup>2</sup> Виноградов Г.С. Детский фольклор и быт. – Иркутск: 1925. – 32 с.; Капица О.И. Детский фольклор. – Л.: Прибой, 1928. – 174 с.; Капица Ф.С., Колдич Т.М. Русский детский фольклор. – М.: Флинта: Наука, 2002. – 74 с.; Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. – М.: Просвещение, 1957. – 120 с.; Мельников М.Н. Русский детский фольклор. – М.: Просвещение, 1987. – 95 с.; Лойтер С.М. Детский поэтический фольклор Карелии. – Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2013. – 174 с.; Слонь О.В. Детский русский фольклор. – Оренбург: ГБУ РЦРО, 2018. – 20 с.

<sup>3</sup> Новожицин В.А. Чабьыргак как жанр якутского фольклора: Дисс. ... канд. филол. наук. – Якутск, 2005. Куль И.Л. Механизмы языковой игры в малых фольклорных жанрах (на материале скороговорки и частушки): Дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2000.

<sup>4</sup> Пословицы русского народа. авт.-сост. Даль В. – М.: В университетской типографии, 1862. – 26 с.

киритилган<sup>5</sup>. Ғ.Жаҳонгиров тадқиқотида тез айтиш жанрининг илмий моҳиятига аниқлик киритилиб, жанр табиати, структураси ва ўзига хос хусусиятлари тавсифланган<sup>6</sup>. Ўзбек болалар фольклорининг йирик тадқиқотчиси, профессор О.Сафаровнинг тўпловчилик фаолияти ва болалар фольклори соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. О.Сафаров тадқиқотларида жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари атрофлича ўрганилган<sup>7</sup>. Шунингдек, ўзбек халқ тез айтишлари О.Сафаров, К.Очилов, Й.Султонов, Н.Раҳмонов, Ш.Турдимов, Т.Мирзаев, Д.Ўраевалар томонидан тўпланиб, нашр этилган<sup>8</sup>.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида тез айтиш, унинг илмий таърифи ва ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрларни И.Қурбанбаев, Қ.Айимбетов, Қ.Мақсетов, Қ.Мамбетназаров, Қ.Жаримбетов ва Қ.Оразимбетовларнинг дарсликларида учратиш мумкин<sup>9</sup>. Қорақалпоқ халқ тез айтишларини тўплаш, нашр эттириш ишларини дастлаб Н.Баскаков бошлаб берган бўлса, Қ.Мақсетов ва Қ.Палимбетовлар қорақалпоқ тез айтишларини алоҳида тўплам ҳолида нашр эттириб, жанр табиати, ўзига хослиги ва тарбиявий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилганлар<sup>10</sup>. Француз шарқшунос олими Реми Дор эса ўзбек ва қорақалпоқ тез айтишларини французча таржимаси билан алоҳида тўплам ҳолида нашр этган<sup>11</sup>.

Тез айтишлар бошқа туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам атрофлича ўрганилган бўлиб, қозоқ халқ тез айтишларига онд кузатишларни А.Н.Самойлович бошлаб берган, Н.Турекулов докторлик диссертациясида қозоқ тез айтишларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритган<sup>12</sup>. А.Байтурсинов, С.Сейфуллин, М.Ғабдуллин, Ш.Ахметов, Ж.А.Рустемова, Ж.К.Калиевалар дарсликларида, С.М.Мухамедиярова, Г.Ж.Омарова, А.Т.Ақжоловалар мақолаларида тез айтишнинг жанр хусусиятлари ва

<sup>5</sup> Зарифов Ҳ. Ўзбек фольклори. 1-том. – Тошкент: Уқувпедавнашр, 1939. – 48 б.

<sup>6</sup> Жаҳонгиров Ғ. Тез айтиш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. № 3. – Б. 49-52.

<sup>7</sup> Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 191 б.

<sup>8</sup> Бойчечак Ўзбек халқ ижоди. Куп томлик Болалар фольклори. Мехнат кўшиқлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Сафаров О., Очилов К. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – 336 б.; Читтигул Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Султонов Й., Раҳмонов Н., Турдимов Ш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 96 б.; Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Тузувчилар: Мирзаев Т., Сафаров О., Ўраев Д. – Тошкент. Алоқачи, 2008. – 560 б.

<sup>9</sup> Қурбанбаев И. Қарақалпақ балалар эдебияти тарихининг очерки. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1974. – Б. 31.; Айимбетов Қ. Қарақалпақ фольклори. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 50.; Мақсетов Қ. Тажимуратов Ө. Қарақалпақ фольклори. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б. 149.; Айимбетов Қ. Халқ дадиллиги. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 36.; Мамбетназаров Қ. Қарақалпақ аузбеки халқ дореттелери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990. – Б. 138.; Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқининг көркем аузбеки дореттелери. – Нөкис: «Билим», 1996. – Б. 147.; Жаримбетов К., Оразимбетов Қ. Қарақалпақ эдебияти. – Нөкис. Билим, 2006. – Б. 23.

<sup>10</sup> Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. 1 том. – М.: Издательство Академии наук, 1951. – 412 с.; Каракалпак жаңылтпашлари. Баспага таярлаганлар: Қ.Мақсетов, Қ.Палимбетов. – Нөкис: Билим баспасы, 1993. – 36 б.

<sup>11</sup> Remy Dor. Sarah-Rose la rosophile: Gulsevar Gulsara - Virelangues d'Ouzbékistan. – Paris: Langues & Mondes L'Asiathèque, 2005. – 160 p.

<sup>12</sup> Самойлович А.Н. Скороговорки // Живая старина. – Петроград. Типография В.Д.Смирнова, Екатеринбургский кан., – № 45. 1916. – С. 6-7.; Турекулов Н. Современное казахское устно-народное и индивидуальное творчество (жанровый состав и структурно-функциональные особенности): Дис. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1984.

вазифалари ҳар томонлама ёритилган<sup>13</sup>. Шунингдек, қозоқ халқ тез айтишларини тўплаш ва нашр этиш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, юз томлик “Бабалар сөзи”, М.Қараев, С.Назарбековлар тўпламларида қозоқ тез айтиш намуналари ўрин олган бўлса, Ж.Нуралиева, М.Абуовалар эса қозоқ халқ тез айтишларини алоҳида тўплам ҳолида нашр эттирган<sup>14</sup>.

Қирғиз тез айтишларининг жанр хусусиятлари дастлаб А.Н.Самойлович, сўнг М.Ф.Гаврилов мақолаларида атрофлича ёритилган<sup>15</sup>. Ж.Мукамбаев, П.Ирисов, Г.Орозова, К.Жусупов тўпламларига тез айтиш намуналари киритилган бўлса, Т.Ганаев, О.Капалбаевлар қирғиз халқ тез айтишларини тўплаб, алоҳида тўплам ҳолида нашр эттирганлар<sup>16</sup>.

Бироқ тез айтиш жанри нафақат туркий халқлар, балки дунё фольклоршунослигида ҳам махсус текшириш объектига айланганича йўқ. Қолаверса, тез айтишлар, хусусан, туркий халқлар тез айтишлари қиёсий-типологик жиҳатдан ҳозирга қадар ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг генезиси ва тарихий-тадрижий тараққиёти, жанрнинг юзага келиш омиллари, жанрий ва вазифавий хусусиятлари, бадиияти ҳамда унинг бошқа жанрлар билан ўхшаш ва фаркли жиҳатларини аниқлаш, шунингдек, ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишлари типологиясини ўрганишдан иборат.

<sup>13</sup> Байтўрсынқұлы А. Алғы томдық шығармалар жинағы. I том. – Алматы: Ел-шежіре, 2013. – Б. 272; Сейфуллин С. Қазақ әдебиеті. – Қызылорда, 1932. – Б. 253; Ғабдуллин М. Қазақ халқының ауыз әдебиеті. – Алматы: Мектеп, 1974. – Б. 51-52; Ахметов Ш. Қазақ балалар әдебиеті тарихынан очерктері. Алматы, 1965. – Б. 31; Рүстемова Ж.А. Қазақ балалар әдебиеті. Оқулық. – Қарағанды: ҚарМУ баспасы, 2009. – Б. 45-46; Калиева Ж.К. Балалар әдебиеті. Оқу кұралы. – Қостанай: ҚЭТУ, 2016. – Б. 59-60; Мұхамедиярова С.М. Тіл – халықтың рухани байлығы, таусылмайтын қазынасы // – Павлодар: Ақтөбе мемлекеттік педагогикалық институтының хабаршысы, 2006. – №2. – Б. 70-77; Омарова Г.Ж. Балабақшада ұсақ жанрларды пайдалану ерікшеліктері // Абай атындағы ҚазҰПУ-дың хабаршысы, “Бастауыш мектеп және дене мәдениеті” сериясы, – №1 (28), 2011. – Б. 38-40; Ақжолова А.Т. Жаңылтпаштардың тәрбиелік мәні және жанрлық ерекшеліктері // Абай атындағы ҚазҰПУ-дың хабаршысы, 2012. – № 2 (33), – Б. 43-47.

<sup>14</sup> “Бабалар сөзі” Жүз томдық Т. 72: Балалар фольклоры. – Астана: Фолиант, 2011. – Б. 225-228; Қазақ балалар әдебиеті. Құрастырғандар: Қараев М., Омаргазинова Б. Хрестоматия. – Алматы: Республикалық баспа кабинеті, 1998. – Б. 15-16; Назарбекұлы С. Қазақтың киіз үйі. – Астана: Елорда, 2005. – Б. 68-69; Қазақ жаңылтпаштары. Құрастырған: Нұрәлиева Ж. – Алматы: Балауса, 2013. – 96 б; Жаңылтпаштар. Құраст.: Әбуова М., Сатсаев Р. – Алматы: Өнер, 2015. – 72 б.

<sup>15</sup> Самойлович А.Н. Скороговорки // Живая старина. – Петроград. Типография В.Д.Смирнова, Екатеринбургский кал., – № 45. 1916. – С. 6-7; Гаврилов М.Ф. Кыргызские скороговорки // Отд. оттиск из. Биолотеня Ср.-Аз. Гос. Ун-та. – Ташкент, 1927. – С. 35-37.

<sup>16</sup> Кыргыз эл табышматтары, жаңылматтары, калиттары. Түзгөн. Мукамбаев Ж., Таштемиров Ж. – Фрунзе, 1971; Балдарга арналган элдик оозеки чыгармалардын үлгүлөрүнөн. Түзгөн: Ирисов П. – Фрунзе, 1972; Балдар фольклору. Түзгөн: Орозова Г. – Бишкек: Шам, 1998. – Б. 11-13, 63-67; Кыргыздардын улуттук маданияты. Түзүүчүлөр: Жусупов К., Бакашова Ж., Иманалиев К., Кармыштегин М.Ө. – Бишкек: 2012. – Б. 600-603. 888-889.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг генезиси, тарихий-тадрижий тараққиёти ва вужудга келиш омилларини аниқлаш, жанрий, вазифавий хусусиятлари ва поэтик табиатини белгилаш;

тез айтишларнинг бошқа жанрлар билан генетик алоқаларини, жанрий муносабат масалаларини ёритиш;

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари фольклоршунослиги тараққиётида тез айтишнинг ўрни, функциясини кўрсатиш ҳамда тез айтиш жанрида ўзбек ва қорақалпоқ халқлари миллий менталитети ва ўзига хос жиҳатларининг намён бўлишини қиёсий-типологик асосда ёритиш;

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг бадий хусусиятларини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳозирга қадар ёзиб олинган ва нашр этилган ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишлари, шунингдек, диссертантнинг 2016-2021 йилларда Фарғона водийси, Тошкент вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб ўтказган фольклор экспедицияларида тўплаган материаллари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек ва қорақалпоқ халқи поэтик тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатувчи тез айтишларнинг жанр хусусиятлари, тарихий-генетик асослари, типологияси ва поэтикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-семиотик ҳамда этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг генезиси, уларнинг қадимги мифологик қарашлар ҳамда ритуалларга боғлиқлиги, тез айтишларнинг тарихий-тадрижий тақомили, юзага келиш омиллари, жанрнинг дастлабки функциялари, маросим фольклори билан алоқадорлиги, таснифи, жанрий ва вазифавий хусусиятлари, тез айтишларда ижтимоий давр инъикоси, туркий, хусусан, ўзбек ва қорақалпоқ халқларида тез айтишларнинг ижро ўрни ва ижро усуллари тадқиқ этилган;

тез айтишларнинг бошқа болалар фольклори жанрлари билан генетик алоқадорлиги, яъни жанрлараро муносабат масаласи, халқ талаб ва эҳтиёжларига мослашиб бориши натижасида мақол-тез айтишлар, топишмоқ-тез айтишлар ва санама-тез айтишлар каби янги ҳосилалар пайдо бўлгани аниқланган;

туркий, хусусан, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари фольклоридаги тез айтишлар типологик жиҳатдан муштарак хусусиятларга эгаллиги очиб берилган, насрий ва шеърӣ, болалар, ўсмирлар, катталар, чалғитишга асосланган, сўз маъноси ўзгарадиган ва тажнисли, воқеабанд ва кумулятив, қадимий (анъанавий), замонавий турлари мавжудлиги кўрсатилган;

Ўзбек ва қорақалпоқ тез айтишларида ушбу халқларнинг миллий менталитети, ўзига хос анъана ва кадриятлари акс этганлиги, мазкур халқлар урф-одатлари ва маросимларидаги муштаракликлар тез айтишларда ҳам акс этганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишлари илк бор монографик планда киёсий ёритилганлиги асосланган;

турли халқлар фольклоридаги тез айтишларнинг нашр этилиши ва илмий тадқиқ этилишига доир манбалар яхлит тизим ҳолида жамланиши натижасида тез айтишларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга эришилган;

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг юзага келиш омилларига оид манбалар тўпланиб, жаҳон фольклоршунослигининг янгича тамойиллари асосида ўрганилган;

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, бошқа жанрлар билан фарқли жиҳатлари, жанрлараро генетик алоқадорлиги, туркий анъаналар билан типологияси ва тарихий-генетик илдизлари, композицияси, ғоявий-бадий хусусиятлари ёритиб берилган;

типологик ўхшашлик ва ўзига хос хусусиятларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар Ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек фольклори, фольклоршунослик, диалектология, киёсий фольклоршунослик, лингвофольклористика, этнофольклористика каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши далиллаб берилган;

Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларидаги ўхшашлик ва ўзига хосликларни, ўзбек фольклорида тез айтишларнинг жанрий хусусиятларини ва вазифаларини белгилаб олишда, шунингдек, ўзбек халқ тез айтишларининг қардош халқлар тез айтишлари билан типологик ўхшашликларини ўрганишда муҳим фактик материал бўлиб хизмат қилиши исботланган;

ҳозирга қадар ёзиб олинган, нашр этилган ва ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти Фольклор архивида сақланаётган тез айтишлар матний жиҳатдан ҳам таҳлил қилиниб, ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишлари бўйича нашр этилиши режалаштирилган тўпلام учун таянч матнлар базаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, киёсий-типологик ҳамда структурал-семиотик таҳлил каби усуллар билан асосланиши; таҳлилга тортилган материалларнинг нашр этилган ва фольклор архивида сақланаётган манбалар ҳамда бевосита ўтказилган фольклор экспедициялари асосида танланганлиги; ёритилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлиги, тез айтишлар генезиси, жанр хусусиятлари, вазифалари, типологияси ва бадиияти масалаларини ёритишда туркий халқлар ҳамда жаҳон фольклоршунослигининг зътиборли илмий манбаларига таянилганлиги билан белгиланади.**

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг тарихий-генетик асослари, жанрий хусусиятлари, бадияти ва типологиясини фундаментал тадқиқ этишда муҳим манба вазифини ўташи, балки ўзбек ва қорақалпоқ фольклори жанрлар тизимининг шаклланиш тарихи ва бадий эволюцияси билан боғлиқ илмий концепцияларни янада кенгайтириш ва тўлдиришга, умумфольклор масалаларининг ривожига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг жанрий табиати, специфик хусусиятлари, типологияси ҳамда бадияти борасидаги хулосалар ва илмий қарашларнинг олий ўқув юртларида “Ўзбек фольклори”, “Қорақалпоқ фольклори”, “Туркий халқлар фольклори” фанларидан дарс машғулотларини ўтишда, халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва монографияларнинг мукамаллашувида, туркология соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришда зарур илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишларининг ўрганилиши, қиссий типологияси, юзага келиш омилларининг муштараклиги, ўхшаш ва фарқли хусусиятлари, бадияти билан боғлиқ вазибаларни тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тез айтиш жанри, унинг жаҳон фольклори жанрлар тизимидаги ўрни, типологияси, генезиси, тарихий-тадрижий тараққиёти, бошқа жанрлар билан генетик алоқалари ва жанрий муносабат масалалари ҳақидаги назарий хулосаларидан ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2016-2020) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 26 майдаги 17.01/109-сон маълумотномаси). Натижада, илмий тадқиқот хулосалари ўзбек ва қорақалпоқ фольклорининг жанрлар таркиби, тарихий асослари, бадий эволюцияси, типологияси ва ўзига хос хусусиятларини ёритишга хизмат қилган;

халқ тез айтишларининг композицион тузилиши, бадиятига оид назарий хулосалари Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида қорақалпоқ шеърлятида халқ тез айтишларининг бадиятини ўрганиш орқали миллат руҳини, маънавиятини ифодалаш ҳамда фольклор анъаналарининг асар гоҳсини очиб беришдаги аҳамиятини ёритишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 4 июндаги 74-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётида фольклорга хос анъаналарни қўллаш, ўшбу икки халқ шеърлятидаги халқона образ ва тушунчаларни талқин қилиш масалалари ойдинлашган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Андижон вилояти бўлими “Мутолаа завқи” телекўрсатуви, “Маънавият сарчашмаси”, “Шеърлят гулшани” ва “Радиомутолаа” эшиттиришларини тайёрлашда ўзбек халқ тез айтишларининг ўзига хослиги, композицияси, бадиятига оид илмий қарашлар ва хулосалардан фойдаланилган (Миллий телерадиокомпания

Андижон вилояти бўлимнинг 2021 йил 19 майдаги 20-24/151-сон маълумотномаси). Натижада, юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсатув ва эшиттиришларнинг бадий жиҳатдан янада қизиқарли, мазмунли, жонли чиқишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 8 та республика, 4 та халқаро конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илоадан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тез айтишлар генезиси ва жанр хусусиятлари”** деб номланган. Унинг биринчи фасли **“Тез айтиш жанри генезиси, тарихий-тадрижий тақомили”** деб аталган бўлиб, унда ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа қардош халқларда жанрни ифода этувчи турли истилоҳлар, тез айтиш жанрининг тарихий илдизлари ва тадрижий таракқиёти ҳақида сўз юритилган.

Дунё халқларида, хусусан, туркийларда жанрнинг номланишида унинг тез ижро этилиши ёки ижрода янглиштириш хусусиятларига асосланган. Шунинг учун у кўпчилик халқларда **“тез айтиш”**, **“янглишмоқ”** ёки шунга яқин маъноли сўзлар билан аталган.

Тез айтиш жанри генезис нукта назаридан фольклорий-тарихий жараённинг энг қадимги босқичларига бориб тақалади. Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг қайд қилишича, “...тарихан маросимдан холи фольклор жанрлари жуда кам бўлган... Болалар фольклорига мансуб жуда кўп жанрлар тарихан маросим фольклори таркибида юзага келган”<sup>17</sup>. Олимнинг ушбу фикрига таянган ҳолда тез айтиш жанри ҳам тарихан маросим фольклори таркибида юзага келган деб айта оламиз. Бизнинг бундай фикрга келишимизга эса З.Хусаиновнинг қуйидаги фикрлари ҳам асос бўлади:

<sup>17</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар састави / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 68.

“Самарқанд областининг шимолий районларидаги ўзбеклар яшаган қишлоқларда тўйга бошқа қишлоқдан келган одамларни қўни-қўшиларниқига қўндирганлар. Йиғилган меҳмонлар ўртасида чалдирмоқ, жумбоқ айтишиш ҳам бўлган”<sup>18</sup>.

Кейинчалик эса тез айтишларнинг ижро ўрни кенгайиб, базмларда, байрамларда, анъанавий халқ сайилларида ҳам ижро этилган. Демак, у дастлаб катталар аудиториясида шаклланиб, эркаклар, ўсмирлар, кейинчалик эса болалар томонидан ижро этилган. Ушбу фикрлар билан Р.Абдуллаев ва бошқалар муаллифлигида чоп этилган “Ўзбекистон номоддий маданий мероси” китобидаги, шунингдек, қорақалпоқ болалар адабиётшуноси И.Қурбанбаев, қозоқ педагоги Л.Н.Ибраимова, А.Ақжолова ва Н.Калигуловларнинг қарашлари ҳам ҳамоҳанглик касб этади<sup>19</sup>.

Рус фольклоршунослари М.Н.Мельников, Ф.С.Капица, Т.М.Колядичлар тез айтишлар генезисининг маросим ва ритуалларга алоқадорлигини таъкидлайдилар. Уларнинг ёзишича, тез айтишларнинг айнан қачон пайдо бўлганини аниқлаш қийин, бироқ баъзи матнлар мазмуни уларнинг қадимийлигини акс эттиради<sup>20</sup>. И.Муль ҳам ўзининг номзодлик диссертациясида тахминларга асосланиб, дастлабки ёзиб олинган тез айтишлар (XIX асрнинг ярмида ёзилган) катталар учун мўлжалланганлигини, улар мазмун жиҳатидан болалар зеҳнига тўғри келмаслигини таъкидлайди<sup>21</sup>.

Юқоридаги фикрларда ҳам тез айтишнинг уч жиҳати таъкидланади: қадимий жанр эканлиги, маросим, ритуалларга, эътиқодий ва мифологик қарашларга алоқадорлиги, катталар фольклоридан болалар фольклорига ўтганлиги. Демак, ўз-ўзидан тез айтишнинг қадимий жанрлардан бири эканлигини маълум бўлмоқда.

Ёқут халқ тез айтишларини ўрганган В.А.Ноговицин “ёқутлар оғзаки шеърятининг дастлабки шаклларида, афсунларда ва “олонхо”ларда даҳшатли афсонавий образлар ва тўқнашув ҳаракатлари тез айтишлар кўринишида тасвирланган”<sup>22</sup>, – деган хулосага келади.

Юқоридаги фикрлардан аён бўладики, тез айтишларнинг генезиси қадимий ритуаллари негизида пайдо бўлган. Айниқса, бир ёш доирасидан иккинчи ёш доирасига ўтиш жараёнида ҳам турли ритуаллар ўтказилган. Шу жараёнларда ўсмирларнинг ақлини синаш, хотираси ва нутқини шакллантириш мақсадида айтирилган бўлиши мумкин. Аммо биз ўзимиз

<sup>18</sup> Хусанова З. Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 14.

<sup>19</sup> Қурбанбаев И. Қарақалпоқ балалар эдебияти. – Некис: Билим, 1992. – Б. 35.; Ибраимова Л.Н. Этнопедагогика. – Тараз: ТарМПИИ редакциялык баспа бөлімі, 2009. – Б. 10.; Ақыл кенчи: Кыргыз эл жаңылмачтары. Түз.: Капалбаев О., Калыгулов Н. – Б.: Турар, 2016. – Б. 39.; Ўзбекистон номоддий маданий мероси. Матн муаллифлари: Абдуллаев Р., Ташматов У., Эшонкулов Ж., Аширов А., Хакимов А., Абдулҳаким қори Комилжон ўғли. – Тошкент: Mega Basim, 2017. – Б. 42.; Ақжолова А.Т. Жаъылтпаштардың тәрбиелік мәні және жанрлық ерекшеліктері // Абай атындағы ҚазҰПУ-дың Хабаршысы, «Бастауыш мектеп және дене мәдениеті» сериясы, 2012. № 2. – Б. 43.

<sup>20</sup> Мельников М.Н. Русский детский фольклор. – Москва: Просвещение, 1987. – С. 95-96.; Капица Ф.С., Колядич Т.М. Русский детский фольклор – М.: Флинта: Наука, 2002. – С. 74-76.

<sup>21</sup> Муль И. Механизмы языковой игры в малых фольклорных жанрах (на материале скороговорки и частушки). Дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2000. – С. 24.

<sup>22</sup> Ноговицин В.А. Чабыргак как жанр якутского фольклора. Дисс. ... канд. филол. наук. – Якутск, 2005. – С.

тўплаган ва бошқа мавжуд материаллар ичида фикримиз учун асос бўладиган, яъни матни тушунарсиз тез айтишларнинг қадимий намуналарига дуч келмадик. Буни тез айтишларни тўплаш ва ёзиб олиш ишларининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаганлиги билан изохлаш мумкин.

Қозоқ олимлари тез айтишнинг генетик илдизларини қадимги одамнинг кундалик машғулоти бўлган овчилик ва чорвачиликка боғлайдилар<sup>23</sup>.

Ўзбек олимларининг ҳам тез айтишларнинг қадимийлиги ҳақида фикрлари мавжуд. Жумладан, Ўзбек болалар фольклори тадқиқотчиси Ғ.Жаҳонгиров тез айтиш ва сўз ўйинлари ўзбек халқ оғзаки ижодида қадимдан борлигини, бироқ улар ёзиб олинмагани учун бизгача етиб келмаганини, шундай бўлса-да, бундай сўз ўйинларининг турли кўринишларини Лутфий, А.Навоий каби буюк ижодкорлар асарларида учратиш мумкинлигини таъкидлаган<sup>24</sup>.

Тез айтишларнинг моҳияти ва вазибалари тарихий-фольклорий жараённинг кейинги босқичларида ўзгариб борган. Тез айтишлар болалар репертуарига кўчган ва педагогик вазифа бажара бошлаган.

Ўқоридаги тез айтишлар ўрганилган манбалардаги фикр ва қарашлардан тез айтишлар тарихий-тадрижий такомил жараёнларида куйидаги уч босқичда шаклланганлиги аёнлашмоқда: 1. Тез айтишлар (энг қадимги давр) мифологик қарашлар ва турли ритуаллар негизида ҳаётий ва моддий эҳтиёж зарурияти сабаб пайдо бўлди. 2. Маросим фольклори таркибиде ривожланди, аудиторияси кенгайди, маънавий эҳтиёж заруриятига айланди. 3. Болалар (фольклори) репертуарига кўчди ва бу даврда аудиторияси торайди, педагогик вазифаси кучайди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли *“Тез айтишлар таснифи масаласи”*га бағишланган.

Ўзбек фольклоршуноси Ғ.Жаҳонгиров ўзбек халқ тез айтишлари таснифини ижрочиларнинг ёш хусусиятларига кўра амалга оширган бўлиб, бизнингча, мазкур тасниф жанрнинг барча жиҳатларини қамраб ололмади<sup>25</sup>.

Ўзбек болалар фольклори жанрларини монографик планда ўрганган профессор О.Сафаров тез айтишлар таснифига батафсил тўхталмаган бўлса-да, тез айтишларни нутқий шаклланиш жиҳатидан, ифода мақсадига ҳамда болаларнинг ёш хусусиятларига кўра туркумлайди<sup>26</sup>.

Қорақалпоқ фольклоршунослари Қ.Мақсетов ва Қ.Палимбетовлар тез айтишларнинг насрий ва шеърий шаклларда бўлишини, шу билан бирга савол-жавоб мазмунида тузилган тез айтишлар ҳам борлигини таъкидлаб ўтишган<sup>27</sup>.

<sup>23</sup> Қазақ әдебиетінің тарихы. Он томдық. 1-том. – Алматы: ҚазАқпарат, 2008. – Б. 532, 523, 534.

<sup>24</sup> Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 45.

<sup>25</sup> Уша манба. – Б. 46.

<sup>26</sup> Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 194.

<sup>27</sup> Қарақалпақ жаңылтпашлари. Баспага таярлаганлар: Мақсетов Қ., Палимбетов Қ. – Нөкис: Билим баспасы, 1993. – Б. 6.

Қозок ва қирғиз олимлари ҳам тез айтишларнинг бир неча турлари мавжудлигини қайд этишган<sup>28</sup>.

В.Ноговицин ёқут тез айтишларини дастлаб катталар ва болалар тез айтишларига кейин оммавий ижро этиладиган анъанавий тез айтишлар, топишмоқли тез айтишлар, ҳазил-мутойибали, ҳажвий масалли, маиший-аллегорик каби турларга бўлган<sup>29</sup>.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга ҳамда ўзимизнинг кузатишларимиз давомида чиқарган хулосаларимизга асосланиб, биз тез айтишларни қуйидагича тасниф этган ҳолда ўрганишни маъқул топдик:

**I. Ифода усулига кўра:** 1. Насрий тез айтишлар. 2. Шеърӣй тез айтишлар.

**II. Ижрочиларнинг ёш хусусиятларига кўра:** 1. Болалар тез айтишлари. 2. Ўсмирлар тез айтишлари. 3. Катталар тез айтишлари.

**III. Тез айтишнинг матн таркиби ва габиатига кўра:** 1. Чалғитишга асосланган тез айтишлар. 2. Сўз маъноси ўзгарадиган тез айтишлар. 3. Тажнисли (сўз ўйинига асосланган) тез айтишлар.

**IV. Воқеабандлик нуқтаи назардан:** 1. Воқеабанд тез айтишлар. 2. Кумулятив тез айтишлар.

**V. Тез айтишларнинг бошқа жанрлар билан муносабатига кўра:** 1. Топишмоқ-тез айтишлар. 2. Мақол-тез айтишлар. 3. Санама-тез айтишлар

**VI. Тез айтишларнинг яратилиш даврига кўра:** 1. Қадимий (анъанавий) тез айтишлар. 2. Замонавий тез айтишлар.

Биринчи бобнинг учинчи фасли *“Тез айтишнинг жанрий белгилари, ижро ўрни ва ижро усули”* деб номланади.

Фольклор жанрлари В.Я.Пропп фикрларига кўра қуйидаги тўрт омилга: поэтикаси, маиший моҳиятга йўналганлиги, ижро шаклига эгалиги, мусикага муносабатига<sup>30</sup> асосланиши керак.

Тез айтишларда юқорида таъкидланган барча хусусиятлар мавжуд. Фольклордаги жанр назариясига оид юқоридаги фикрларга асосланиб, тез айтишнинг асосий жанр хусусиятларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Тез айтишлар яхлит адабий тизим сифатида шаклланган, насрий ва шеърӣй тузилишга эга, поэтик хусусиятларни ўзида намоён қилган.

2. Тез айтишлар одамзоднинг мушқулини осон қилиш, унинг меҳнатини енгиллаштириш, ғам-ташвишларини аритиш, кўнглини кўтариш (тарихан), ёш авлодни зийракликка, сўзамолликка, чечанликка, диққатли бўлишга, тез фиклашга, раvon гапиришга ўргатиш каби вазифадорликка асосланувчи маиший моҳиятга йўналган.

<sup>28</sup> Байтўрсынов А. Алты томдық шығармалар жинағы. I том. – Алматы: «Ел-шежіре», 2013. – Б. 272.; Ақжолова А.Т. Жаңылтпаштардың тәрбиелік мәні және жанрлық ерекшеліктері // Абай атындағы ҚазҰПУ-дың Хабаршысы, «Бастауыш мектеп және дене мәдениеті» сериясы, 2012. № 2 (33). – Б. 46.; Ақыл кеңіс: Кыргыз эл жаңылматтары. Түз.: Капалбаев О., Калыгулов Н. – Б.: Турар, 2016. – Б. 38.

<sup>29</sup> Ноговицин В.А. Чабырґах как жанр якутского фольклора. Дисс. ... канд. филол. наук. – Якутск, 2005. – С. 48.

<sup>30</sup> Пропп В.Я. Принципы классификации фольклорных жанров / Фольклор и действительность. – Москва: Наука, 1976. – С. 36.

3. Тез айтишлар ўзига хос ижро шаклига эга: бир нафасда ёки уч марта тез ва тўғри айтилишга мўлжалланган.

4. Тез айтишлар гарчи мусиқага солиниб ижро этилмаса-да, ўзига хос речитатив(овоз чиқариб ифодали ўқимок)<sup>31</sup> ижро усулига эга.

Насрий тез айтишлар ичида оҳангдорликка ва қофиядошлик (саъж)га асосланган кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, бундай намуналар композицион жиҳатидан шеърий тез айтишларга яқин туради:

*Ёркек кисиге сөк шөпшеттирмегей,*

*Сөк шөпшеттирседе, көп шөпшеттирмегей*<sup>32</sup>.

Шеърий тез айтишлар композицион жиҳатдан шеърий мисраларга яқин бўлиб, унда мисралар сони турлича бўлади. Шеърий тез айтишларда қофия, оҳанг ва ритм каби шеърий унсурлар иштирок этади:

*Чархим чакалак,*

*Таноби чархим чакалак.*

*Чархимда гуноҳ йўғ-у*

*Ўзим ҳакалак*<sup>33</sup>.

Туртлик шаклидаги ушбу тез айтишнинг композицияси шеър талабларига мос келади. Унда “чакалак” ва “ҳакалак” сўзлари қофиядошлик ҳосил қилган.

Тез айтиш ҳазил-мутойибага асосланган халқнинг оғирини енгил қилиш, вақтини хуш ўтказиш учун хизмат қилган қадимий сўз ўйинидир. Ана шу хусусияти сабабли у шу кунгача яшаб келмоқда. Фольклор намуналари таркибида сатира ва юморга асосланган латифа, лоф, чандиш каби жанрлар ҳам мавжуд. Бироқ тез айтишдаги кулги улардан фарқли равишда нутқ жараёни билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, у ижро давомидаги янглишиш ҳолати ёки ижрода бошқа маъноли сўзларнинг эшитилиши натижасида юзага келади.

Тез айтишлар ўзининг тез, шиддатли ижроси билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Бизнингча, аждодларимиз турмушда ўзи билган шеърларни хиргойи қилиш, кундалик мулоқот жараёнида шошилиб гапирганда тутилиб қолиш ҳолатлари ёки тез ва такрор гапирганда айрим сўзларнинг кўшилиб кетиши натижасида бошқа маъноли сўзлар эшитилиб, кулгили вазиятни юзага келтирган. Одамлар бундай сўзларнинг юзага келиш йўллари ва сирларини ўрганиб, ўзлари мана шундай махсус асар – тез айтишни яратганлар:

*Оқ той оқми?*

*Қора той оқми?*<sup>34</sup>

Демак, тез айтиш матни тез айтилмаса, кўзланган мақсадга эришилмайди.

<sup>31</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати Беш жилдли. Учинчи жилд – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 – Б. 381.

<sup>32</sup> Айтубчи. Султамуратов Өмирзақ 1947 йилда тугилган. Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл тумани А.Муўсаев ОФЙ М.Дәрибаев кўчаси. Ёзиб олувчи. Инамжан Мадияров. Ёзиб олинди: 2017 йил.

<sup>33</sup> Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 171.

<sup>34</sup> Айтубчи. Ҳасан ота. 1947 йилда тугилган. Андижон вилояти Марҳамат тумани Балиқчилик кўшлоғи. Ёзиб олинди: Инамжан Мадияров. Ёзиб олинди: 2019 йил.



Аксарият халқларда бир нафасда айтиш шарти тез айтишнинг ўзига хослигини таъминловчи муҳим белгисидир. Фольклоршунос О.Сафаров тез айтишнинг нафас олмасдан тез айтилишини ёзади<sup>35</sup>. Бизнинг фикримизча, тез айтишнинг бир нафасда айтилиши билан боғлиқ жиҳати кейинчалик пайдо бўлган бўлиши мумкин. Буни қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, тез айтиш дастлаб катталар ижоди маҳсули бўлган; иккинчидан, шундай кўп сўзли ва мураккаб тез айтишлар борки, уларни катта ёшдаги одам ҳам бир нафасда бир марта айтиши мушкул.

Қорақалпоқ ва қозоқларда тез айтишни уч ёки тўрт мартаба айтиш аъёнаси мавжуд. Чунки аксарият қорақалпоқ тез айтишлари кўп сўздан таркиб топган бўлиб, бундай мураккаб нумуналарни бир нафасда уч-тўрт мартаба айтиш бола учун меъёр ҳисобланади.

Тез айтиш сўз ўйини бўлиб, у туркий ва қардош халқларда турли хил кўринишларда учрайди. Мазкур ўйинлар композицияси ва ижро усулига кўра бир-бирдан фарқланса-да, уларнинг аксариятида муайян матни уч марта айтиш талаб қилинади.

Тез айтишлар шеъринг усулда тузилган бўлса-да, унинг шеърдан асосий фарқи ижро усулида. Яъни, тез айтишлар қуйланмайди, чунки унинг мураккаб тузилиши ва ижро усули бунга йўл қўймайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Тез айтишларнинг жанрлараро муносабати” деб номланган. Бобнинг “*Топишмоқ-тез айтишлар*” деб аталган биринчи фаслида топишмоқ ва тез айтишларнинг жанрлараро муносабати, уларнинг бир-бирига ўтиш масалалари ўрганилган.

Топишмоқ ва тез айтишлар тарихий-тадрижий тақомили, ижтимоий функцияси, ижро ўрни, ҳазил-мutoйибага асосланиши, шаклий тузилиши каби бир неча жиҳатлари билан муштараклик касб этади.

Академик Т.Мирзаев топишмоқларнинг топишмоқ-мақол, топишмоқ-ўйин, топишмоқ-тез айтиш, топишмоқ-қўшиқ, топишмоқ-эртак каби турларининг мавжуд эканлигини, аммо бундай намуналар халқда озчиликни ташкил этишини қайд этган бўлса, фольклоршунос З.Ҳусайнова топишмоқ, тез айтиш ва болалар қўшиқлари каби жанрлар орасида муайян ўхшашликлар мавжудлигини таъкидлайди<sup>36</sup>:

*Чор қулоқ, чандир қулоқ,*

*Қулоқлари шалпанг қулоқ*<sup>37</sup>.

Келтирилган тез айтишни топишмоқ дейиш ҳам мумкин. Чунки бу тез айтишда топишмоққа хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Агар биз бу намунани топишмоқ сифатида қабул қилсак, у ҳолда унинг жавоби “қозон” бўлади.

*Қасқа сыйыр ақ-қара бузаў туўды,*

*Бузаўуның бир жағы ақ, бир жағы қара*<sup>38</sup>.

<sup>35</sup> Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 191.

<sup>36</sup> Мирзаев Т. Топишмоқлар / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 106.; Ҳусайнова З. Топишмоқлар / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 111, 112.

<sup>37</sup> Бойчекат Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. Тузувчи ва ишраф тайёрловчилар: Сафаров О., Очиллов К. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б. 205.

<sup>38</sup> Қарақалпақ фольклори. Кеп томлик, 88-100-томлар. – Некис: «Илим», 2015. – Б. 447.

Ушбу қорақалпоқ тез айтишида ҳам топишмоққа хос жиҳатлар мавжуд. У топишмоқ ўрнида қўлланганда унинг жавоби “бир сутка” бўлар эди. Бунда кашка сигир – бир суткани, унинг бир томони оқ, бир томони қора бузоғи сутканинг кун ва тун қисмларини ифодаламоқда.

Бундан ташқари, ўзбек ва қорақалпоқ халқларида тузилиши ва табияти жиҳатидан тез айтишларга яқин бўлган топишмоқлар ҳам мавжуд:

*Тумшуксиз чумчуқ муз тешар.* (томчи)<sup>39</sup>

Ёки: *Жатса – тас,*

*Жақса – отын.* (кўмир)<sup>40</sup>

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “*Мақол-тез айтишлар*” деб аталган. Ушбу фаслда мақол ва тез айтиш жанрларининг муносабати, уларнинг табияти жиҳатидан бир-бирига яқин намуналари ҳақида сўз борган.

“Жамият босқичининг маълум бир босқичида, – дейди фольклоршунос Б.Саримсоқов, – вужудга келган маълум бир жанр жамият тараққийетининг кейинги босқичлари талаб ва эҳтиёжларига мослашиб боради ва ниҳоят, янги бир ҳосилага айланади”<sup>41</sup>. Ҳақиқатан ҳам, қадимда тез айтишларнинг дастлабки функцияси хазил-мутойиба, қўнғил кутаришга асосланган бўлса, кейинчалик истак ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, тез айтишларнинг табиятан топишмоқ, мақол ва санамаларга яқин “янги ҳосила”лари пайдо бўла бошлади.

Тадқиқотчи А.Т.Ақжолова ҳам ҳозирги кундаги қозоқ болалар шеъриятида тез айтишнинг қўшиқ, санама, масхаралама, сон, мақол-матал, эртақ, ёлғон тез айтиш каби турлари кўпайганини қайд этиб ўтган<sup>42</sup>.

Ўзбек халқида ҳам ўзида тез айтиш элементларидан ташқари мақолларга хос хусусиятларни ҳам акс эттирадиган тез айтишларни учратиш мумкин. Қуйидаги Андижон вилояти Марҳамат туманида яшовчи 72 ёшли Ҳасан отадан ёзиб олинган тез айтиш ҳам ўғит бериш, насиҳат характерида эга:

*Кичик калта йўлдан юргандан,*

*Катта узун йўлдан юрган яхши*<sup>43</sup>.

Қуйидаги қорақалпоқ халқ тез айтишида ҳам мақоллардагидек аждодларимизнинг ҳаётий тажрибалари асосида чиқарилган хулосалари насиҳатомуз шаклда баён этилган:

*Айыр атанды жүк қартайтар,*

*Семиз қойды май қартайтар,*

*Үй қартайтар, бүй қартайтар*<sup>44</sup>.

<sup>39</sup> Топишмоқлар. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: Ҳусайнова З. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 21.

<sup>40</sup> Қарақалпақ фольклори. Көп томлик. 88-100-томлар. – Нокис: «Илим», 2015. – Б. 416.

<sup>41</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек халқ ноҳоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари – Тошкент: «Фан», 1981. – Б. 101.

<sup>42</sup> Ақжолова А.Т. Жанылгаштардың тәрбиелік мәні және жанрлық ерекшеліктері. Абай атындағы ҚазҰПУ-дың Хабаршысы, «Бастауыш мектеп және дене мәдениеті» сериясы, № 2 (33), 2012 ж. – Б. 46.

<sup>43</sup> Айтучи: Ҳасан ота. 1947 йилда туғилган. Андижон вилояти, Марҳамат тумани. Балиқчилик кишлоғи. Ёзиб олди: Инамжан Мадияров. Ёзиб олинди: 2019 йил.

<sup>44</sup> Қарақалпақ поэзиясынинг антологиясы. Дузушилер: Аймбетов К., Есемуратов Г., Нурмухамедов М., Сейтов К., Исмаилов Б. – Нокис: Қарақалпақ мамлекет баспасы, 1956. – Б. 12.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “*Санама-тез айтишлар*” деб номланган бўлиб, унда тез айтиш ва санамаларнинг ўхшаш хусусиятлари ҳамда ўзида санама сифатларини акс эттирган тез айтишлар борасида сўз юритилган.

Болалар фольклори таркибидаги тез айтиш ва санамаларни кўпгина сифатлари билан яқин жанрлар сирасига киритиш мумкин. Ушбу жанрларнинг генетик илдизлари ҳақидаги фикрлар ҳам муштараклик касб этади<sup>45</sup>.

Тез айтиш ва санамаларнинг ижро услубида ҳам бир қатор ўхшашликлар мавжуд. Жумладан, тез айтиш ҳам, санама ҳам шовқин асосида ижро этилади. Шунинг учун уларни куйлаб бўлмайти, чунки санамалардаги санок ритми, тез айтишлардаги шиддатли талаффуз қилиш талаби бунга йўл қўймайти.

Кузатишларимиз жараёнида ўзбек ва қорақалпоқ халқларида санама-тез айтиш намуналари мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, *Беш мис баркаш. Беш мис баркашнинг ичида беш минг беш мис баркаш*<sup>46</sup>.

<i>Бир ақ шымшық,</i>	<i>Алты ақ шымшық,</i>
<i>Еки ақ шымшық,</i>	<i>Жети ақ шымшық,</i>
<i>Үш ақ шымшық,</i>	<i>Сегиз ақ шымшық,</i>
<i>Тўрт ақ шымшық,</i>	<i>Тоғыз ақ шымшық,</i>
<i>Бес ақ шымшық,</i>	<i>Он ақ шымшық</i> <sup>47</sup> .

Диссертациянинг учинчи боби “*Ўзбек ва қорақалпоқ халқ тез айтишлари бадияти ва типологияси*” деб номланган. Унинг биринчи фасли “*Тез айтишларнинг образлар тизими, композицияси ва ритми*”ни ўрганишга бағишланган.

Ўзбек ва қорақалпоқ тез айтишларида образ яратишнинг ўзига хос тизими шакллланган. Жумладан, тез айтишларда оғзаки ижоднинг бошқа жанрларида кўп учрайдиган ҳаётий образлар ҳам анчагина. Масалан: ота, тоға, бобо, ака, келинойи образлари иштирок этган намуналарни келтириш мумкин: *Отанинг отасининг оти отасининг отидан ориқ*<sup>48</sup>, *Турсун тоғам тоғуving тухумини тарозига тортмоқда*<sup>49</sup>, *Бобо, бобонинг богида бодом*<sup>50</sup>,

*Ағам атты тағалаттым,*  
*Женгеме жалын тазалаттым,*  
*Атама тақым жаңалаттым,*  
